

## Юртимизда Hidayat Airlines номли янги авиакомпания очилади



15:01 / 19.02.2020 2782

Бугун Тошкент шаҳрида Uzbekistan Airports, Aviation&Logistics Forum (UAALF-2020) халқаро авиация форуми иш бошлади. Бу ҳақда Sof.Uz манбаси хабар беради.

Унда қатнашаётган Бош вазир ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимовнинг Sof.Uz нашри мухбирига маълум қилишича, тез орада Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон Муслмонлари Идораси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг «Hidayat Global Groups» компанияси ҳамкорлигида Hidayat Airlines номли янги авиакомпания очилади.

Бу авиакомпания Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ўртасида умра сафари учун бевосита парвозларни ҳамда «Umrah+» дастури бўйича Индонезия, Малайзия каби давлатлардан умра сафарига боровчиларнинг Ўзбекистон орқали парвоз қилишларини ташкиллаштиради.

***Islom.uz портали таҳририяти***